

Турсунбой Адашбоев

ХУФЁНА ЖАНГ

Түлдирилган қайта нашри



Toshkent
«Akademnashr»
2016

КБК: 84(5Ү)6

УЎК: 821.512.133-225

A 29

— Ўзбек оғ - ти

A 29 Адашбоев, Турсунбой.

Хуфёна жанг [Матн] / Т.Адашбоев. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 112 б.


ISBN 978-9943-995-44-4

КБК: 84(5Ү)6

УЎК: 821.512.133-225

Закийлик, ҳозиржавоблик ҳалқимиз тийнатидаги ээгу фазилатлардан. Бу ҳолат ажоддларимизнинг сўз қудрати ва жозибасини азалдан теран англағанидан дарак беради. Устоз адаб Турсунбой Адашбоевнинг ўз тенгкурлари ва шогирдлари асарларига боғлаган баъзан беозор, ўрни келганида ҳамто аччиқроқ кинояли пародиялари, ҳазил шеърларини сўз масъулияти борасидаги ўзига хос эслатмаси десак янглишмаган бўламиз. Зеро сўнгги йилларда чоп этилган шеърий асарларни имкон қадар «элакдан ўтказган» шоирнинг танбехларида ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллашга тарғиб борлиги кўриниб туради. Шу маънода ҳам мазкур китобнинг ўқувчини бефарқ қолдирмаслигига ишонамиз.

>



ISBN 978-9943-995-44-4

© Турсунбой Адашбоев

«Хуфёна жанг»

© «Akademnashr», 2016

АТИРГУЛ

Ўтган асрда ўзбек адабиётида янги-янги йўналишлар пайдо бўлди. Бу йўналишлар ҳеч нарса йўқ жойда, саҳрода вужудга келмади. Европа адабиётининг таъсирини инкор этмаймиз. Лекин ҳар бир янги йўналишнинг асоси аввалдан мавжуд бўлади. Баъзилар наср биз учун янгилик, Европа адабиётининг инъоми деб ўйлайдилар. Тарихимиздаги ишқий қиссалардан бехабар одамларгина шундай фикрлайдилар. Европа адабиётидаги «роман»нинг луғавий маъноси айнан «ишқий қисса»дир.

Европа насрда ҳам, назмда ҳам янгича услубларга ўтди. Ҳажвий йўналишда ҳам янгиликлар пайдо бўлди. Назм тарихида ҳажв йўналишида ёзилган асарлар кўп. Ана шу анъаналярнинг давоми сифатида адабиётимизда «пародия» пайдо бўлди. Пародия Европа адабиётида бирон-бир асарни ҳазил оҳангидаги қайта айтиб бериш тарзida вужудга келган эди. Кейинчалик унга танқидий асар сифатида қарай бошлишди. Яъни бир асарнинг камчилиги аниқланиб, танқид ўқига тутиладиган бўлди. Вақт ўтган сайин пародия шаклланиб борди. У ўзининг дастлабки вазифасини ҳам унутмади, ўрни келганда танқиддан

ҳам воз кечмади. Европа адабиётида ҳам бу жанр кенг ривожланмаган. Рус адабиётида ҳам пародиячи шоирлар кўп эмас. Энг ажабланарлиси шундаки, пародиянинг адабиётда ўз ўрни борлигини эътироф этганлари ҳолда ундан ранжиб юрувчилар кўп. Кимнинг шеъри пародия қилинса, хафа бўлади. Шунинг учундир, бу жанрда ижод қилувчилар кам.

Айниқса, ўзбек адабиётида ижод қилувчиларнинг камлигини афсус билан айтиш керак. Бу бежиз эмас. Ижодкорларимизнинг кўнгли жуда нозик. Озгина танқид ҳам, гарчи у ҳазил оҳангига бўлса-да, малол олинади. Ижодкорларимиз дўстларини ранжитмаслиги ҳам керак. Пародия деганда биз бир шоирнинг шеъридан икки ёки тўрт сатр олиб, уни ҳазил тариқасида давом эттиришни тушунамиз. Ҳолбуки, бу жанр дастлаб мусиқа оламида пайдо бўлган эди ва ҳозиргача мусиқавий пародиялар бор. Насрий асарларга ҳам пародиялар ёзилган. Ҳатто пародия кинофильмлар ҳам яратилган. Бизда ҳозирча фақат шеърий пародиялар бор. Пародиячи шоирлар орасида энг пешқадами ва бу йўналишнинг энг вафодори Турсунбой Адашбоев бўладилар. Ана шу садоқатлари учун ҳам Турсунбой Адашбоевни «ўзбек пародиясининг отаси» деб аташ мумкин.

Турсунбой Адашбоев Ўш вилоятида туғилган. Шоир туғилиб ўсган Сафед-Булон қишлоғи аҳли беозор ҳазилкашлиги билан водийга танилган. Шунга кўра шоирдаги ҳазилкашликни, нозик қочиримларни туғма хислат десак ҳам бўлади. Бу хислат айнан пародия тарзида ижод қилишга даъват этган. Турсунбой аканинг пародияларида қора ният йўқ, кимнидир айблаш, камчилигини ошкор қилиш ҳам йўқ. Баъзи шоирларнинг пародияларида айнан шу қусурларни кўрамиз. Яна баъзилари шоирни масхаралашдан ҳам тоймайдиларки, бу ижодкор учун ҳусн саналмайди.

Аниқроқ айтсак, бир шоирнинг шеъридаги камчилигини катта хато ўрнида кўрсатиб, танқид қилиш ёки масхаралаш адабиёт эмас!

Пародия ёзадиган шоирнинг ўзи назм оламининг юксак талабларига жавоб бера олиши шарт. Ўзи саёз шеър ёзгани ҳолда бирордан қулиш «Иштони йўқ тиззаси йиртиқقا кулибди» деган мақолни эслатади.

Пародияда лозим жойда бир шеърнинг камчилиги кўрсатилади. Лекин шоирнинг афзаллиги, унинг айрим фазилатлари ҳам мадҳ этилади. Турсунбой Адашбоев Ўзбекистон ҳалқ шоири Тўра Сулаймон билан ака-укадай бўлишган. Тўра аканинг бир шеъри баҳонасида Турсунбой ака пародия ёзди.

*Гўзалликка ишора,
Бўстонга ошиқлигим, –*

сатрларини бундай давом эттиради:

*Теранликка ишора
Уммонга ошиқлигим.
...Термаларга ишора
Достонга ошиқлигим.
Ҳалқ йўлида шеър ёзиш
Ялама қошиқлигим.*

Пародия тарзида ёзиладиган сатрлар ҳам қисқа, ҳам мазмунли, ҳам ҳазил оҳангидаги бўлиши лозимлигини Турсунбой ака кўп йиллик ижодида исбот этди. Бу ижод на муналарининг тўпланиб нашр этилиши янгиликдир. Янглишмасам, бу адабиётимиз тарихидаги шу мазмундаги биринчи китоб.

Бадий адабиётни гулшанга ҳам ўхшатишади. Гулшанда турли гуллар чамандай очилиб турса, киши кўзи қувнайди. Атиргулни ҳамма яхши кўради. Лекин тиконидан эҳтиёт бўлади. Мен пародияни шу атиргулга ўхшатаман. Гулшандаги ҳидсиз гуллардан кўра, тикони бўлса ҳам, хушбўй атиргул яхши-да, тўғрими?

**Тоҳир МАЛИК,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

ПАРОДИЯЛАР



Тўра СУЛАЙМОНга,
Ўзбекистон халқ шоири

ГЎЗАЛЛИККА ИШОРА

«Теранликка ишора
Уммонга ошиқлигим.
Гўзалликка ишора
Бўстонга ошиқлигим».

«Илтижсо» шеъридан

* * *

Гўзалликка ишора
Суманга ошиқлигим.
Булутларга ишора
Туманга ошиқлигим.
Теранликка ишора
Уммонга ошиқлигим.
Ҳадиксираб юришим
Гумонга ошиқлигим.
Темирчига ишора
Босқонга ошиқлигим.
Мантиказга ишора
Қасқонга ошиқлигим.
Термаларга ишора
Достонга ошиқлигим.
Халқ йўлида шеър ёзиш
Ялама қошиқлигим.

1970 йил

Ҳабиб САЪДУЛЛАГа,
Ўзбекистон халқ шоири

ОТАБЕКНИНГ ИЗИДАН

«Шош – Марғилон йўлида
Бўз қўйган Отабекдай
Наманган – Тошкент аро
От чопмоқдир юмушим.
Оёғим узангидан
Ҳамон узиб улгурмай
Яна висолинг қўмсаб
Талпинаман, Кумушим»...

«Бўз қўйган Отабекдай»
шеъридан

* * *

Мен аввалги тўпори
Саъдуллаев эмасман.
Тулпорга эгар уриш
Тадоригин емасман.
Ҳозир тамом бошқамен.

Отабекдай от минмай,
Шарт ўтириб мошинга,
Васлингга етмоқ учун
Талпинаман қошингга.
Бугун эса Шошдамен.

Васлингга восил бўлиб,
Муродим ҳосил бўлиб.

Олқишлийман сени, ёр,
Пойтахтда түй бисёр,
Наҳор чоғи ошдамен.

Азизим, тонг отгунча
Неча бор терлаб, оздим...
Сүнг Қамчик довонида
Ушбу шеъримни ёздим
Улкан харсангтошга мен...

1980 йил

Маҳмуд ТОЙИРга,
Ўзбекистон халқ шоири

«МЕН ОЙНИ ОШАЙМАН...»

«Булбулдек яшайман баҳор келганда,
Тошга гул тўшайман баҳор келганда.
Ўзимга ўзим ҳам мафтунман, Маҳмуд,
Мен ойни ошайман баҳор келганда».

«Баҳор келганда» шеъридан

* * *

Маҳмуд Тойир укам, ҳар дам
Ҳозиржавоб, чапдаст, бардам,
Булбулдайин яшайверинг,
Тошга гуллар тўшайверинг
Баҳор келганда.

Майсаларга тилмоч бўлинг,
Сумалакка қирмоч бўлинг.
Лола, райхон, чечак бўлинг,
Бинафшаю печак бўлинг
Баҳор келганда.

Мафтун бўлинг ўзингизга,
Биз қойилмиз сўзингизга.
Иймаганни ийдирасиз,
Шеърга қалпоқ кийдирасиз
Баҳор келганда.

Чунки Наврўз! Жўшинг, ўйнанг,
Қофияни қўшиб ўйнанг,

Шеърни қовоқдайин сўйманг,
Мантиқ деган гапни ўйланг
Баҳор келганда.

Бир илтимос, осмондаги
Ёлғиз ойни ошаб қўйманг.
Қаро туннинг тақдирини
Юлдузларга ташлаб қўйманг
Баҳор келганда.

2005 йил

Тўлан НИЗОМга,
Ўзбекистон халқ шоири

НАҲОТКИ...

«Шеър битмаган туним йўқ,
Шеър айтмаган куним йўқ».

Шу номли шеъридан

* * *

Устоз Ғафур Ғулом ҳам
Ёзмагандир ҳар куни.
Эсланг Асқад Мухторни
Ёки Рауф Парфини.
Шоир, наҳот, дам олмай
Қалам тишлаб ўтирса;
Кўк буржида булатлар
Элак қоқса, кўпирса;
Эвазига осмондан
Шеърлар тутдай тўкилса?
Жўн ва оддий сатрни
Кашфиёт деб жўшмайлик.
Биродар, шеъримизга
Ёлғон гапни қўшмайлик.

2015 йил

Шукур САЪДУЛЛАГа

ҚИСҚАСИ, ПАЛОН-ПИСТОН

«Далаларинг боғистон,
Тошлоқларинг тоғистон,
Ростин айтсам, ўзингсан
Мангу чаман гулистан».

«Озод диёр» шеъридан

* * *

Ўзбекистон боғистон,
Кирғизистон тоғистон.
Тиёншондан ўтсангиз,
У ёғи Қозогистон.
Олатоғу Тангритоғ
Фаройиб тошлоғистон.
Махачқала – Доғистон,
Қисқаси, палон-пистон
Ёзсангиз бўлар достон...

1965 йил

Рахим БЕКНИЁЗга

«ОВ» КЕЛМАДИ БАРОРИДАН

«...Бизлар кетдик темир йўл бўйлаб,
Аста чўздим билагингга қўл.
Сен чекиндинг, яна ёнма-ён
Кетавердик темир йўл бўйлаб».

«Пўлат из» шеъридан

* * *

Кечга қадар юрдик иккимиз
Чурқ этмайин темир йўл бўйлаб.
Пўлат издай биз юрган сўқмоқ
Туташмаскан, қарасам ўйлаб,
Чимчиб олдинг, қўлингдан тутсам,
Мулзам бўлиб ортимга қайтдим.
Милтиғимни елкамга осиб,
Бўлган гапни тозимга айтдим.
Раҳми келиб вафодор итим
Кўкка боқиб улиди аста.
«Ов» ўнгидан келмади бу гал,
Уйга қайтдим кўнглим шикаста...

1980 йил

Азиз АБДУРАЗЗОҚқа

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА


«Тош чатнамаса,
Ёғоч ёнмаса.
Темир чўқмаса,
Темир зангламаса».

«Мангулик бўлса» шеъридан

* * *

Хотин зоти қаримаса,
Чўнтақдан пул аримаса.
Ўт ёққанда пуфламасанг,
Чарчаганда «уфламасанг».
Йигит қизни танламаса,
Муҳаббат зангламаса.
Зўр бўларди, не ёзганин
Шоир ўзи англамаса.

1980 йил



ЭЪТИРОЗГА ЭЪТИРОЗ

«Шабнам нима? –
Саҳар чоғи сал увишган буғ.
Туман нима? –
Оғирлашиб қуий тушган буғ.
Куёш недир? –
Тўзувчи атомлар йиғиндиси у.
Қоғоз недир? –
Пахта билан ёғоч чиқиндиси-ку!»

«Эътиroz» шеъридан

* * *

Қурут нима? –
Сузманинг қотгани-қуруғи.
Дон-дун нима? –
Буғдойнинг уруғи-чуруғи.
Асал нима? –
Гулларнинг нектари-шираси.
Эшшак нима? –
Уловнинг қайсари-хираси.
Хўш, Ой нима? –
Менимча, тегирмоннинг тоши.
Ақл недир? –
Шоир акангнинг боши.
Фаросат нима? –
Сезгирик, хислат.
Етар, бас, дўстим!
Энди сен ҳам каллангни ишлат...

1970 йил

Шамси ОДИЛГА

БУРНИМ ЧАШМА БҮЛСА

«Күзларим ой бўлса,
Кипригим юлдуз».

«Қайнар булоқ» шеъридан

* * *

Бурним чашма бўлса,
Оғзим тегирмон.
Жоним, ҳузурингда
Бошим эгурман.
Қошларим супурги,
Кулоғим гармон.
Қўлларим паншаха,
Оёғим нарвон.
Китобим босилса,
Тўлади кармон.
Олимман, шоирман,
Йўқ менда армон.

1967 йил

ДОРБОЗГА ЛАНГАРЧҮП...

«Артист тушда дермиш:
Буюк роль беринг.
...Менинг тушларимда
Ёзмаган шеърим».

«Туш» шеъридан

* * *

Шофёрнинг тушига
Киради бензин.
Пулдор бойваччага
«Волга» билан «Зим».
Бургутнинг тушида
Тулки, қирғовул.
Матросга ўн балли
Шторм, довул.
Туяга янтоғу
Эшакка шўра.
Иккиқат хотинга
Гулватा, ғўра.
Морбознинг тушига
Киради илон.
Дорбозга лангарчўп
Арқони билан.
Тушингни таъбири
Айлансин қулинг.
Чиқмаган китобга
Олмаган пулинг...

1970 йил

Эркин САМАНДАРга

БИР ҚҰШИҚ...

«Жонимга тушди шұх түғёнлар,
Үшал нур Түғёнда күринди.
Во ажаб, Чимёнда құзингни
Жилvasи Қўқонда күринди».

«Кўриниш» шеъридан

* * *

Бир құшиқ битгандим, оҳанги
Фижжагу камонда күринди.
Рақсида Дилафрўз, Гулчехра,
Андижон томонда күринди.
Кўзингни жилvasи сеҳрлаб,
Ранг–рўйим сомонда күринди.
Оролга тўр солсам, жўралар,
Сирдарё товонда күринди...

1980 йил

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВга

БЕЧОРА КРИЛОВ...

«Чўртсан ўмарганин тортди сув томон,
Кўтарганча олиб учди оққушхон.
Қисқич кавагини тўлдириб олди,
Бир зумда арава бўшади қолди».

«Янги масал»дан

* * *

Чўртсан балиқ ўмарганин ғамламай,
Бир акула ютди-кўйди ямламай.
Оққуш эса улушини тенг бўлди,
Кўкка учиб бургутларга ем бўлди.
Тўфон туриб, тўлқин эса ўкириб,
Қисқичнинг кавагин кетди ўпириб.
Энди аравани ғарқ этмоқ учун
Денгиз таҳдид солар сапчиб, кўпириб.
Бечора Крилов от олиш учун
Литфондга ариза ёзар ўтириб...

1990 йил

МУХЛИС БОРКИМ...

«Табиат бонг урап: чекмангиз зарар,
Ичкилик ҳалокат эрур муқаррап.
Кузга айланмасин баҳор фаслингиз,
Мажсруҳ туғилмасин зурриёд наслингиз».

«Шиорлар» шеъридан

* * *

Наҳот, илғамасак муаммо дардни?!
Чайналган гапларни такрорлаш шартми?!
Муддаони лағмондайин чўзмасдан,
Фикрлар гарддайин учиб-тўзмасдан

Ибрат бўлайлик-да аввал ўзимиз,
Ўшанда мўлжалга тегар сўзимиз.
Мухлис борким ҳавас билан қарашар,
Яхши шеърлар битиш сизга ярашар.

2012 йил

Азим СҮЮНГА

«ҚАЙЛИҚҚИНАМ»

«Сочимни гүё тарадим,
У ён, бу ёнга қарадим.
Хөвлисига мүраладим,
Қайлиққа бордим бу кеча.
Отасими, довуш берди,
Акасими, у ёш эди,
Күп шумтака, бебош эди,
Қайлиққа бордим бу кеча».

«Қайлиқ» шеъридан

* * *

Кече оппоқ эди сутдай,
Юлдуз ёнар пишган тутдай.
Ичиб олган эдим қиттай
Мен қайлиққа борган кеча.

Тұлин ойға қараб бордим,
Тақир бошни тараб бордим,
Хар қадамни санаб бордим –
Хотирамдан чиқмас ҳеч-а...

Итинг ғингшиб қўйди бироз,
Ишни бузди даканг хўроз.
Қайлиққинам, эшит, бу рост,
Жуфтак урдим, ортга қочдим.

Асли, ўзим саёқ эдим,
Қашқа бўлдим, таёқ едим.
Бу, менимча, аканг дедим
Ҳасратимни елга сочдим...

2010 йил

АЖАБЛАНМАНГ...

*«Мен ўзимни ўзим ёмон десам, ажабланманг,
Хасу чўпдан паст, бир сомон десам, ажабланманг».*

Рубоий

Ювинганда кўпик чиқса, совун десам, ажабланманг
Зерикканда ғазал ёзиб овун десам, ажабланманг.
На фард эмас ёки тўртлик, яқин келмас рубоийга,
Бамисоли ичи тушган қовун десам, ажабланманг.

1970 йил

УСТОЗ БОШИН ЧАЙҚАДИ...

«Самарқанд, Самарқанд,
Сайқалим шаҳрим...
Самарқанд, Самарқанд,
Сайқали жаҳон».

«Самарқанд» шеъридан

* * *

Жуда тўғри, Самарқанд
Она юртнинг сайқали.
Жомий билан Навоийнинг
Мағрур турар ҳайкали,
Ажаб устоз Мир Алишер
Бирдан бошин чайқади.
Бу таърифлар ўта сийқа,
Ғўрлигини пайқади:
– Аҳли қалам, шамга менгзанг
Бу ашъорнинг нархини.
Шундай шеърлар ерга урар
Самарқанднинг фарқини...

1980 йил

Мирпұлат МИРЗОға

УСТОЗ АЙНИЙ БҮЛГАНДА...

«Ха, гўзалдир қузда ҳам
Табиат товланиши.
Аммоқи булар билан
Одамларнинг йўқ иши».

«Куз тонги» шеъридан

* * *

Куздан кейин қарасанг,
Зумрад қиш товланиши.
Аммоқи булар билан
Одамларнинг йўқ иши.

Баҳорда ғаройибдир
Қизғалдоқлар ёниши.
Афсуски, булар билан
Одамларнинг йўқ иши.

Ёз чилласи авжида
Чигирткалар хониши.
Одамлар ланж, ажабо,
Атроф билан йўқ иши.

Шоир-чи, бефарқ эмас,
Қуёшга бўйлаб қўйди.
Гузарда чойхўрликни
Ўзича ўйлаб қўйди.

Сүнг тарихий иш қилди,
Лол қолди ҳинду фаранг.
У бир чойнак күк чойни
Сотиб олди-я, қаранг!..

Жўралар ҳайрон, шоир
Бунчалар сахий, танти.
Зуҳриддин, Тўлқин aka
Бу ҳолдан ажабланди.

* * *

Устоз Айний бўлганда
Ҳотам Тойдек бойирди.
– Пулни исроф қибсан, – деб
Мирпўлатни койирди...

2014 йил

Марҳабо КАРИМОВАГа

ХУФЁНА ЖАНГ

«Эълон қилдим кўнглингизга
Ишқ-муҳаббат «уруши»ни,
Бошлавордим Искандарнинг
Буюк ҳарбий «юриши»ни.
Елкангизни қитиқлайман,
Жимсиз, сирли йўталаман,
Белингиздан ачом қилиб,
«Оқ байроғим» кўтараман».

«Ғалати жанг» шеъридан

* * *

Искандарнинг уйда қолган
Хуфёна урушини
Кўча-куйда карнай қилмай,
Қилич қайраб юришини,
Ўз вақтида берган яхши
Ем-пемини, улушини.
Ҳа, водийда удум бошқа,
Синоатли, билинмайди.
Остонада қолар, асли,
Реклама ҳам қилинмайди.
Ғалати жанг бўлган экан,
Мен-чи, унга рўпараман.
– «Оқ байроқ»ни кўтарманг, – деб
Шивирлайман, йўталаман.
Тўғри, ҳар уй – олтин қўрғон,
Рўзгор шундай ўзбекларда.

Арzon гапнинг илинжида
Очилмайди сирли парда.
Машқингизни ўқиб чиқиб
Алланечук бўлди кўнглим.
Генераллик нишонини...
Фақат уйда тақинг, синглим.

2010 йил

Махфузә УБАЙДУЛЛАЕВАГа

ГҮЗАЛ, ҚАЛАМҚОШЛАРГА

«...Ёр севганды ёш эдим,
Гүзал, қаламқош эдим.
Нозиккина, орасты,
Мулойим, ювош эдим».

«Бевафо ёр» шеъридан

* * *

«Нози гүзал, шўхчан боқар,
Ишва билан қошин қоқар,
Юрагимга олов ёқар
Самарқанднинг гүзаллари».

«Самарқанд гүзаллари» шеъридан

* * *

Ҳа, унда сиз нозик, гүзал,
Шўхчан, дилбар, ёш эдингиз.
Ишва қилиб йўлдан урган,
Заб қайрилма қош эдингиз.
Ноз-карашма хўп ярашган,
Париларга хос эдингиз.
Тафсилотнинг ҳожати йўқ,
Анча пишиқ – тош эдингиз...
Бу гапларга қирқ йил бўлди,
Энди, синглим, ёш қолдими?
Сиз чўмилган анҳорларда

Құмлар оқиб, тош қолдими?
Хозир бозор иқтисоди,
Насияга ош қолдими?
Тузук-қуруқ шеър ёзгани
Сизу бизда бош қолдими?

2010 йил

Темур УБАЙДУЛЛОГа

ЁЛФОН АЙТСАМ...

«Күзларинг бир жодуки, билсанг,
Етти иқлим қолгусидир лол.
Сажда этгум, ишора қилсанг,
Соҳиби қўз, эй қоши ҳилол!»

«Күзларинг» шеъридан

* * *

Эҳ, бу кўзлар дунёдек чексиз,
Осмон каби тубсиз, бепоён.
Сажда учун ишора шартмас,
Бошгинамни урайин қаён?!
Оҳ, бу кўзлар денгиздек теран,
Ғарқ бўлишим мумкин, жонгинам.
Шу кўзларнинг қалини учун
Ол Чинозни, Тўйтепани ҳам.
Садқаисар тақдирим, умрим,
Шартингни айт, азизим, нетай?!.
Сабаб, жуда нозик йигитман,
Ёлғон айтсам ёрилиб кетай...

1980 йил

ИЛОЖИ ЙҮҚ

«Мунажжим ҳам айтолмас бу фолимни
Күзи жайрон, томоша қыл ҳолимни.
Ҳам жоним ол, ҳам давлати, молимни,
Офтоб бўлдинг, ман бир адo парвона,
Ё сан жодугарсан, ё ман девона».

«Девона» шеъридан

* * *

Лабин тишлаб қараб турар мунажжим,
Табиб айтар: ука, йўқдир, иложим,
Аралашган, балки, шайтон-хуножин?..
Ул пари ишқида бўлдию гадо
Шоирга айланди Шамсиддин Садо.

«Таваккал» деб бу дунёдан кетсанг ҳам,
Ошиқликда Шоҳ Машрабдан ўтсанг ҳам,
«Оҳ-воҳ» қилиб юлдузларни ўпсанг ҳам,
Лол қолдириб бўлмас асло фалакни
Ва, айниқса, бухоролик малакни...

2010 йил

Қўчкор НОРҚОБИЛга

ҲАВАС ҚИЛАЙЛИК

«Сергей жўра!
Сен машхур шоир.
Ярашмайди сенга кин, араз,
Россиянинг далли ўғлони,
Сенга қойил қолади Шероз.
Ўзим ҳақда... бир қишлоқиман,
Шоир бўлдим шаҳарда ғарид.
Хув олисда ўғлим олим деб
Пахса урад отамиз ҳориб...»

«Есенин»га шеъридан

* * *

Тўғри, бизнинг боболар
Боғ қилган, пахса босган,
Шон-шуҳрат малол келиб
Есенин ўзин осган...
Ўксинманг, Қўчкор укам,
Ростин айтсан, сизга ҳам
Ҳавас қиласар кўпчилик,
Муштариyllар, ёш, қари.
«Инсон билан қонун»ни
Келаяпсиз бошқариб.
Турли-туман таъмадан,
Минг шукрким, берисиз.
Давралар ҳам ғаридир
Хосиятнинг шеърисиз,
Синглим пухта шоира,
Сиз-чи, унинг эрисиз...

2010 йил

ТУШНИНГ ТАЪБИРИ

«Навоийни қирқ йиллар ўқиб,
Бир боргина тушимда кўрдим.
Шу раҳнамо илоҳий пирдан
Минг юқуниб, ризолик сўрдим.
– Насринг-ку сал маром топибди,
Назминг, – деди, – пала-партишроқ».

«Тушдаги сұхбат» шеъридан

* * *

Гап кетаркан ашъор ҳақида,
Улуғ ҳазрат бизларга маёқ.
Шоирликка даъвогарлар кўп,
Аммо машқи пала-партишроқ.
Ҳиссиёт йўқ, дард йўқ, аслида,
Шеъриятдан олис, тумтароқ.
Назм сато қилидай нозик,
Тан олишмас Султон Муроддай
Кам-кўстини айримлар бироқ.
Олим деган мўътабар мақом
Шоирликдан анча яхшироқ.

2010 йил

Асрор МҮМИНГА

НИМА ҚОЛДИ?

«Чаман қурсак, гуллар сеники,
Тоғлар түсса, кемириши мендан.
Бахтга күпrik ийллар сеники,
Селлар түсса, симириши мендан».

«Түғри тақсимот» шеъридан

* * *

Расул Гамзатни ўгириб қўйдим,
Пуллари сенга, доллари менга.
«Қўшҳўқиз» дерлар эру хотинни,
Эчкиси сенга, моллари менга.
Доғистондаги тоғлар тўссами?
Кемириш менга, симириш сенга.
Бўзаси менга, кўзаси сенга.
Бахтга элтувчи ийллар сеники,
Торнадо, тўфон, селлар меники.
Пластик карта, омад сеники,
Келишган, хипча қомат меники.
Хатланиб бўлди тол ва тераклар,
Азизим, сенга капгир, элаклар.
Валидол ичиб эзма юракни,
Соплатиб қўйдим болта, куракни.
«Түғри тақсимот» – турмуш таянчи,
Хўш, нима қолди, жоним, сананг-чи...

2012 йил

ГАМБИТ ТАРОДИЯЛАР



БЕГОНА ДҮППИ

Бошимда чақмоқдек Чустнинг дўпписи,
Уни совға қилган гўзал қиз эмас.
Она жоним тиккан, шунинг-чун туси,
Гули ва жилоси асло ўзгармас.

Олимжон ХОЛДОР,
«Дўппи» шеъридан

* * *

Бошимдан тушмайди Чуст дўппи доим,
Мен уни фахр-ла кийиб юраман.
«Чуст дўппи ярашар сенга», – дер ойим,
Дўппига қараб гоҳ хаёл сураман.

Нусрат АБДУСАЛОМ,
«Чуст дўппи» шеъридан

* * *

Бошимдан тушмайди Чуст дўппи асло,
Кизагин букмасдан юраман доим.
Ҳаттоти қайнонам кўриб қолса гар:
«Бошинг омон бўлсин!» – дейди мулойим.
Чустлик чевар қизни ўйлаб ўтириб
Хаёл оғушида ийиб кетибман.
Олимжон Холдорнинг эски дўпписин
Билмасдан камина кийиб кетибман.

1975 йил

ЁМФИР, АЖИРИҚ ВА СУМАЛАК

«Ажириқдан тортиб то чинор қадар
Елкасида эркаласа,
Ажириқдай илдиз отдинг бағримда».

* * *

«Ёмғир ҳам ёғар майды,
Кийим-бошим жиққа хўл.
Қамчилайди қулбамни ёмғир,
Кечакундуз қиласар дағдаға.
Ёмғир бўлгим,
Дарё бўлгим бор эди».

Тилак ЖЎРА,
«Юлдузлар табассуми» китобидан

* * *

«Ажириқ томирингни туйиб келида
Қайнатиб ичган эр бор эди аввал.
Бугун ҳам бирорлар назм элида
Сифат излаб... Сенга бермоқда сайқал».

* * *

«Лек дўстимнинг китобин олсам,
Сатрлари ёмғирга тўла.
Уни шунча яхши кўрадир
Ҳассос шоир Тилакжон Жўра».

Тошпўлат АҲМАД,
«Шоир дўстимга» шеъридан

* * *

Ажириқ илдизидан қайнатардик сумалак,
Хаво олиб түсатдан ёмғир тушди думалаб.
От туёғи ўрнида пайдо бўлган кўлмакка
Боқиб ўйлар сураман: «Намгарчилик» бўлмакда.
Сумалакнинг хуш иси түсатдан қилиб сармаст
Қозоннинг қопқоғига куяда ёздим сарбаст.
Уя қурмоқ дардида лайлак ажириқ ташир,
Ажириқ ташир фақат нонвой дўстим Мирашир.
У бўй чўзар ниш уриб асфальт йўллар остидан,
Қайга борсам, ажириқ, минг дод унинг дастидан.
Иили ёмғир, мучали ажириқ Тилак укам,
Дикқинафас қилдинг-ку Тошпўлат Аҳмадни ҳам.
Майдалаб ёқсан ёмғир аста селга айланди,
Илдиз отиб бу кўкат Бухорога бойланди.
Учовимиз уч тараф, ранги-рўй сомон бўлди,
Сел оқизиб қозонни, сумалак тамом бўлди...

1980 йил

МУҲАББАТ ВА ҒУРУР

«*Мағрур әдим, мағрур әдинг сен.
Юравердик қўнгилни доғлаб.
Мағрурликни маҳкам тутдингу
Муҳаббатдан кетдик йироқлаб...*»

Баҳор ХОЛБЕКОВА,
«*Мағрур әдик*» шеъридан

* * *

«*Сўз айтишга бермаганди йўл
Ғурур отли эгилмас чинор.
Келганда ҳам юртга янги йил
Қутламасдик бир-бирни зинҳор.*»

Ҳамроқул РИЗО,
«*Қўшни яшар әдик*» шеъридан

* * *

Мағрур әдик тўртовимиз ҳам,
Феъл экан-да, маҳкам ушладик.
Ғурур қурғур жиловлаб олди,
Ҳатто узангидан тушмадик.
Висол юзин ўгирган экан,
Ўйлаб кўрсак ётиб чалқанча.
Муҳаббатдан йироқлаб кетдик
Биз тўрсайиб, сиз ғўдайганча.
Бўй кўтарган қамишки ҳатто
Бўйра бўлиб ерга тўшалган.
Кулгу қайда, дийдамиз қотиб,
Йиғлолмадик ҳатто ўшал дам.

Чунки ғурур останасидан
Үтөлмадик, олганди боғлаб.
Сизлар икков топишиб кетиб,
Биз қаламни қолдик қучоқлаб.

1990 йил

Олқор ДАМИНГа

ТОПГАН ТОПАЛОҚ...

«Үзи битта,
Оёғи түртта,
Қулоғи битта...»

(Бир қулоғи кесилгандың эшак)

«Үзи битта,
Оёғи түртта,
Қулоғи нұлта...»

(Иккі қулоғи кесилгандың эшак)

* * *

Ажабтовур топишмоқ,
Арзир «кашфиёт» десак.
Күзингдан үтар дархол
Сабрли ҳайвон, бешак.
Афандининг улови,
Бечора, шүрлик эшак.
«Қулоғи нұлта» бўлса,
Түрт туёғи саросар,
Думи эса аросат.
Дўстим Олқор Даминга
Тилаймиз дид, фаросат...

2013 йил

Иброҳим ДОНИШга

ТАРСАКИ

«Бозор борсалар ойим,
Хурсанд бўламиз доим».

«Топ, ўртоқ» шеъридан

* * *

«Ҳар йил қурт боқиб ойим,
Мўл ҳосил олар доим».

«Қурт боқамиз» шеъридан

«Жиззали нон ёпар
ойим,
Мехнатдан завқ топар
ойим».

«Мехнат завқи» шеъридан

* * *

Ҳар кун саҳар турар ойим,
Соғ-саломат юрар ойим,
Қорлар ёғса, кураг ойим,
Баъзан хаёл сурар ойим.
Мен-чи, шундай шеърлар ёзсанам,
Бир тарсаки ураг ойим,
Қулоғимдан бураг ойим.

1980 йил

Рауф ТОЛИБга

ҲАТТОКИ

«Кириб келди,
Кириб келди
Янги йилжон,
Янги йил».

«Янги йил» шеъридан

«Яшнар она замин,
Ўйна, қул, Наврўз.
Янги орзу, янги қун,
Янги йил – Наврўз».

«Наврўз» шеъридан

* * *

Ким завқ олмас, аслида,
Янги йилдан, кўкламдан.
Машқингизни ўқидик
Янги чиққан тўпламдан.
Арзон, сийقا гап билан
Болаларни овутманг.
Китобхоннинг ихлосин
Ўзингиздан совутманг.
Компьютерлар замони,
Ўсмир, тийрак ёшдамиз.
Саксонинчи йиллар ўтди,
Бизлар тамом бошқамиз...

2000 йил

ТАКА ЗОТИ

«Мен кўприкнинг ўртасида
Қотиб турган серкаман.
Йўлим бўшат, эрка бўлсанг,
Мен ҳам сендек эркаман».

«Эркаман» шеъридан

* * *

Олмахоннинг ўрисчаси
«Белка» бўлади.
Куракнинг сал тепароғи
Елка бўлади.
Фарзандларнинг кенжатойи
Эрка бўлади.
Ҳайвонларнинг ҳайвонлардан
Фарқи бор, синглим!
Така зотин ахта қилса,
Серка бўлади...

2012 йил

КУНГАБОҚАРЛАР

«Кунгабоқар
Кунга боқар.
Кунга боқар,
Кимга боқар?»

Одил АБДУРАХМОН,
«Кунгабоқар» шеъридан

* * *

«Кунгабоқар
Кунга боқар.
Кун бўлмаса,
Кимга боқар?»

Йўлдош СУЛТОН,
«Кунгабоқар» шеъридан

* * *

«Кунгабоқар
Кимга боқар?
Офтоб чиқса,
Унга боқар».

Тўра МИРЗО,
«Кунгабоқар» шеъридан

* * *

«Гул-гул ёниб
Кунгабоқар
Зеболаниб
Кимга боқар?»

Самад ПЎЛАТ,
«Кунгабоқар» шеъридан

* * *

Шаҳрихонсой
Шошиб оқар.
Соҳилида
Кунгабоқар.
Уч-тўрт бола
Писта қоқар.
Бири қўйиб,
Бири чақар.
Инсоф билан
Айтинг, дўстлар,
Кўчирма гап
Кимга ёқар?!.

1970 йил

Хол Мұхаммад ҲАСАНГА

АНҚАЙГАНГА ТАНҚАЙИБ

* * *

«Орқовулдан келятувдим анқайиб,
Олдимдан бир құза чиқди түнқайиб,
Күза ичин қүрай десам әнкайиб,
Кулча мисол құлвор ётар ялпайиб.

Тиқин тиқиб лой сувадим құзага,
Чиқдим чанқаб капа тиккан газага,
Чүпон қимиз қуиб қуиб косага,
Кетғанмиқан, қүнглім кетди бұзага.

Күрсам, құлвор пүсти қолған эканми,
Мингта мингак уя соглан эканми,
Чақавериб чақа қилди танамни,
Үша қуни қүрдим катта әнамни»...

«Орқовулдан келардим» шеъридан

* * *

Орқовулда юрсанғиз ҳам анқайиб,
Яхши қипсиз лойни суваб құзага.
Бир ўқ билан қүш қуённи отибсиз
Қимиз ичиб, сүнgra түйиб бұзага.

Шукр қилинг, бурамабти ошқозон,
Акси бўлса, ўтиrmайсиз, турмайсиз.
Яйловда-ку пана-пастқам жойлар кўп,
Қалдирмоқ бор, памперс излаб юрмайсиз.

Сеҳргарсиз. Күзадаги илон ҳам
Зум ўтмасдан ариларга айланди.
Шевачилик, ўлан нусха мисралар
Икки хуржун, бир тўрвага жойланди.

Ўжар келин гапингизга кирмагач,
Кўкка чиққан аламингиз, нолангиз.
Аттанг, афсус келгандами поччангиз,
Тўйтепада кутар эди холангиз...

2014 йил

Рухсора ТҮЛАБОЕВАГа

ДОНО БҮЛИБ БОРАЁТИРМАН...

*«Ер ўз ўқи узра айланаверар,
Ниҳоллар дараҳтга айланаверар,
Қушчалар парвозга шайланаверар
Умримдан бир парча узилган сари».*

«Умрим парчалари» шеъридан

* * *

Капгирлар қозонга боғланиб турар,
Ош есанг, лабларинг ёғланиб турар,
Шом киргач, күп ўтмай хуфтон бошланар,
Йиғласанг, күзларинг дарҳол ёшланар,
Ажаб, доно бўлиб бораётирман.

Феъл қофия турар сўлу соғимда
Ақлим тиниқлашиб борар чоғимда,
Июнь, июль қизғин ишлар бўлади,
Куздан нари совуқ қишилар бўлади,
Ажаб, доно бўлиб бораётирман.

2014 йил

Мафтун ЖҮРАГА

ОҚ ТЕРАКНИНГ ҚИСМАТИ

*«Сен келардинг, мен келардим,
Кетар эдик бир томон.
Юракларга яқин бўлиб
Қолган бу оқ тераклар,
Сен кетардинг, мен кетардим,
Кетар эдик бир томон».*

«Хомуш турар оқ терак» шеъридан

* * *

Келар эдим, келар эдинг,
Бўсалар ҳам берар эдинг.
Мен тошини айирганда
Сен курмагин терар эдинг.
Қир томонда, бир томонда
Ғалвир қилиб элар эдинг.
Афсус, эрга тегиб кетдинг,
Чевар эдинг, севар эдим...
Бир кам дунё, қудук қазсанг,
Сув тортгани челаги йўқ.
Эл оғзини ёпай десанг,
Супраси бор, элаги йўқ.
Кимдир кесиб кетган, чоғи,
Ўша оппоқ тераги йўқ.
Бундай шеърлар ёзиш учун
Калланинг ҳеч кераги йўқ...

1970 йил

Менглибой МУРОДОВга

ПАШШАЛАР БЕЛГА ТЕПДИ...

«Зўр шеър илинжида
Шомдан тонг қадар
Қоғоз қоралайман,
Хаёл дарбадар.
Агар ёзолмасам
Қон бўламан, қон.
Юрагим қуидирар
Чақнаган вулқон».

«Илинж» шеъридан

«Тин олади борлиқ тамом,
Ҳатто шамол эсмас ғир-ғир.
Оромингни қилиб ҳаром
Чор томонда паша изғир.
Иш бермайди гоҳ чодир ҳам,
«Виз-визидан» чатнар асаб...»

«Ёз кечаси» шеъридан

* * *

Тангримга минг шукр,
Шу баҳор ҷоғи
Азобдан қутқазди
Ижод тўлғоғи.

Зўр шеър илинжида
Обдан энтикиб,
Ярим тун ётибман
Ойга кўз тикиб.

Пичирлаб, нафасни
Ютаман ичга.
Қулоққа чалинди
Бир куй – ингичка.

Мумтоз нағмаларга
Үхшар оқанги.
Дутори эскию
Навоси янги.

Фижжакнинг симидай
Тортилди асаб.
Чақнаган илҳомни
У кетди ясаб...

2010 йил

ИТ ВА МУҲАББАТ

«...Итни яхши кўрасиз, мен эса сизни,
Билмадим, бу, балки, тақдир жазоси.
Ит билан машғулот сиз-чун суюкли,
Мен сизга етолмай бағрим қуюкли.
Итсиз келинг, кутмоқдаман, ёр, зориқиб
Мен сизни севаман. Сиз эса... Кимни?!»

«Ўша қунларни эслаб» шеъридан

* * *

Ўз вақтида машҳур шоир Есенин
Итни ёқлаб, қизларни ардоқлаган.
Тайғон зотин, садоқатин, хислатин
Жек Лондон ҳам қадрлаган, оқлаган.
Гулчехрахон таърифлаган йигитнинг
Хислати, фазилати тамом бошқа.
Ҳа, бундайин ажабтовур ўғлонларни
Исмларин ёзиш шарт ўйиб тошга...
Паризоднинг юрак-бағри ўртанар,
Эҳ, қанийди у тушунса – унаса.
Қиз қалбини емиради изтироб:
«Итбозмикин ё наҳотки хунаса?!»
Йўқ-йўқ! Ёри кутаётган йигитнинг,
Балки, зарур иши чиқиб қолгандир.
Тасодиф кўп, овчаркаси тушмагур
Итлик қилиб уни тишлаб олгандир.

2000 йил







ТАХРИРІЯТ





















Шерзод БАРЛОСга

ЮРАГИНИ ҚОВУРГАН ЙИГИТГА

«Йўлингни кута-кута
Куним елга совурдим.
Гармселда гувраниб
Юрагимни қовурдим...»

«Суйгули» шеъридан

* * *

Гармселда гувраниб
Бисотингни совурма.
Ўпкангни бос, кофе ич,
Егин туркча шовурма.
Бургага аччиқ қилиб
Қалтис ишга дов урсанг,
Зира, пиёз қўшмасдан
Юрагингни қовурсанг,
Алкаш дўстинг билмасдан
Қилар уни закуска,
Унда қизни етаклаб
Ким боради ЗАГСга?..

2012 йил

Анвар СҮЮНГА

СҮЗНИНГ ҚАДРИ

«Чавандоз тулпорин чиқарди томдан,
Сүнгра якка михда совитди узоқ.
Волидаси олиб эски тахмондан
Бошига кийгизди қадимий бошмоқ!..»

«Чавандоз фалсафаси» шеъридан

* * *

Отнинг ўрни отхонада,
Тунда миниб совитади.
Кейин якка михга боғлаб,
Оққанд бериб овутади.
Хаёл қурғур – учқур тулпор,
Судрап қайдан қаёқларга.
Бошмоқ, асли, бошга эмас,
Кийилади оёқларга...

2012 йил

Сайфулло ТОҒАЙга

ЙИҒЛОҚИ ОШИҚ, БЕВАФО МАЪШУҚА

«Тўйинг куни тўйиб йиғладим,
Қисматимдан қўйиб йиғладим.
Ўшал оқшом мушфиқ онамнинг
Кўксига бош қўйиб йиғладим».

«Тўйинг куни» шеъридан

* * *

Тўйинг куни тўйиб йиғладим,
Болишга бош қўйиб йиғладим.
Аламимдан сочимни юлиб,
Эт-бетимни ўйиб йиғладим.
Қўшнимизнинг чорбоғидаги
Тарвузларни сўйиб йиғладим.
Мушфиқ онам йиғлади роса,
Амма, холам йиғлади роса,
Кўнгил бўшаб йиғи-сиғидан,
Сиртга чиқсам, итим тасқара
– Журъатинг йўқ, – дегандай ҳуриб,
«Вов-вов» дея қилар масхара...

2013 йил

Мұхсина БОБОЕВА

СОЧИНГГА БОҒЛАНИБ...

«Сен чопиқ қиляпсан толмайин сира,
Оғир тупроқлардан очиб әгатлар.
Сен қайноқ мәхнатда яшаяпсан яйраб,
Сочингга боғланиб қолган йигитлар».

«Чопиқчи қызға» шеъридан

* * *

Сен чопиқ қиляпсан толмайин сира,
Әгатлар мисоли мисралар банди.
Азму қарорингга лол қолиб шу чоқ
Биргадир Эргашнинг боши айланди.

Тупроқ оғир, этикларинг зил-замбил,
Сен қайноқ мәхнатда яшайсан яйраб.
Хозир ноз уйқуда шаҳарлик қызлар,
Сүнг дўкон кезишар таманно айлаб.

Сен бугун «оқ олтин» теряпсан толмай,
Хизматингдан барча мамнун, эл рози.
Сочингга боғланиб қолган йигитлар
Хирмон супуришар, тортар тарози...

1970 йил

Бобур БОБОМУРОДга

АСАЛЧИ ҲАМ ЎТАДИ

«Ётма гафлат пойида,
Оқма алам сойида,
Дунё қолар жойида,
Қанд еган ҳам ўтади,
Панд еган ҳам ўтади».

«Борнинг борми роҳати» шеъридан

* * *

Бўзчи билар матонинг
Сифатини, рангини.
Дехқон ишлаб кетказар
Ўроқ, кетмон зангини.
Афандига аёндир
Улов қашшанг, ҳангими,
Асалчи ҳам ўтади,
Масалчи ҳам ўтади.

Икки карра беш бўлмас,
Ёрти тенгмас бутунга.
Конфуцийдан меросдир:
Чўғ илашса ўтинга –
Оқибати қул бўлар,
Дардингни айт тутунга,
Мўркончи ҳам ўтади,
Ўлпончи ҳам ўтади.

Ойни-ку этак билан
Бўлмас экан яшириб.
«Умр шундай гузарон»,
Ҳолимиз танг, бош уриб
Қойил дердик, ёзсангиз
Яссавийдан ошириб.
Кўчирган ҳам ўтади,
Ўчирган ҳам ўтади.

2011 йил

Усмон БЕКка

ЗОЙИР ДҮХТИРНИНГ ТҮРТКҮЗИ

«*Катта уйда ёлғиз туради,
Хеч кими йүқ Зойир дүхтирнинг.
Доим бошин эгіб юради.
Хеч кими йүқ Зойир дүхтирнинг.
Күзмунчоқдек ити бор – Түрткүз,
Сенда одам диди бор – Түрткүз.*»

«*Зойир дүхтир*» шеъридан

* * *

Катта уйда ёлғиз турган
Зойир дүхтир
Бу мақтовдан изтиробда,
Койир дүхтир:
– Түрткүзимга бағишлоңни
Оширибсан.
Ғанимларнинг бағрин ўртаб,
Шоширибсан.
Не қиласынан күзмунчоқдек
Ити бор деб.
Ҳатто унда одамларнинг
Диди бор деб.
Мақтовларнинг бошгинамга
Етди охир.
Түрткүзимни ўғирлашиб

Кетди охир.
Чорбоғимда пойлоқчи йүк,
Анжир қолди.
Бүйінбоғ йүқ, бир қулочча
Занжир қолди...

2000 йил

БОЙЖИГИТ АБДУЛЛАЕВГА

ФОЗЛАРНИНГ РАШКИ КЕЛИБ...

«Ғозларга барибир ёзу қиши, баҳор,
Анҳорда сув бордир, шодмон сузадир.
Қирғоқнинг бўйида уйинг, эй дилдор,
Кўзларим – мусаввир, расминг чизадир.
...Ғозлар бир баҳона, келаман ҳар кун,
Сен-чи, вақт топмайсан ҳолим сўргали».

«Ғозларга барибир» шеъридан

* * *

– Ҳой жигит,
Бойжигит!
Ўша қушлар анҳор узра сайр этиб,
Сув сатҳида ўз аксини қолдирап.
Кўзларингиз қўш шамчироқ – мусаввир,
Нигоҳингиз бир боқишида ёндирап.
Кипригингиз гўё ханжар, чўғ ташлаб
Дуч келганни ўзлигидан тондирап.
Қирғоқдаги уйимизга ўт қўйиб,
Ишқ даштида аросатда қолдирап.

– Ҳой жигит,
Бойжигит!
Отаму акамдан ўғринча бордим
Шодмон сузган паррандани кўргани.
Бу ишимни онамдан ҳам сир тутдим,
Ғойибона ҳолу аҳвол сўргани.
Аслида, бу қушлар ўта зийракдир,
Аттанг, ташрифимни илғаб қўйибди.

Фозлари тушмагур сиздан рашк қилиб
Анҳорнинг сувларин булғаб қўйибди...

– Ҳой жигит,
Бойжигит!
Бобонгиз ўланчи ўтган эмасми,
Шу боисдан суяқ суреб кетганми?
Фозларнинг ғашига тегманг, илтимос,
Бошқа бир баҳона қуриб кетганми?

2015 йил

Озода БЕКМУРОДОВАГа

АГАР СЕВСАНГ...

«Севсанг
Осмонга чиқ, ойни олиб кел,
Тонглар водийсини тұша йүлимга!
Сомон йүлларидан чечаклар териб,
Бахтнинг шодасидай тутгил құлимга!»

«Севсанг» шеъридан

* * *

Озодабегим!
Хозирги йигитлар не билан машғул?
Барчага аёндир гапнинг дангали.
Парилар бозорда савдо қилишар,
Муштумга айланган девнинг чангали.
«Ёрілтош»нинг ёрилмоғи гумондир,
Сомон йүлларида гуллар чечаклар.
Қизлар қайтар ҳорғин дала тарафдан,
Бошда бир боғ молга юлган печаклар,
Хаёлим чалғиди... Күкда ғилмонар
Мовий ёғдулардан тутар гүшанга.
Яңгалар оқиста чиқиб кетаркан,
Дер: куёв бунча ҳам латта, бўшанг-а?!

2012 йил

ҲАЗИЛ ШЕҦРЛАР



КУТИЛМАГАН ТАКЛИФ

Яна бир ҳаномадан
Ёқангизни ушлайсиз.
– Наҳотки, – деб лаб тишлаб,
Тиззангизга муштлайсиз.
Айтилмаган қўшиқнинг
Созланмаган куйига
Жўр бўласиз, сабаби,
Гап лўндаси қўйида.
Собиқ котиб сим қоқди
Файнбергнинг уйига.
Русийзабон шоирнинг
Хотини ҳардамхаёл.
Гўшакни кўтардию
Лол бўлиб қолди аёл.
– Эртага учрашувга
Шоир оғам борсинлар.
Олийгоҳда қотириб
Шеър ўқиб юборсинлар.
Бу сўздан Иннахоннинг
Бўлари бўлган эди.
Сабаби, уч йил олдин
Аркадич ўлган деди.

2010 йил

ЧИРМАНДА

Шундок Салор бўйида,
Бобоевнинг¹ уйида,
Тўрт соат сухбатлашдик,
Ёзилди кўнгилғашлик.
Тун яримда бир маҳал
Искаптопар галма-гал
Очофатдек ташланди,
«Қайта қуриш» бошланди.
Ашуласин ванг қилиб,
Аҳволимни танг қилиб
Чақар юз, қўл, бурнимдан,
Турдим ночор ўрнимдан.
- Ҳолингвой, Абдуллатиф!
Қашлайман ғартиллатиб.
Сақланмайди сир манда,
Қасди борми бир манда?
Шу тун Солор бўйида
Чалиб чиқдим чирманда...

1990 йил

¹ Шоир Машраб Бобоев.

ВАСИЯТ

Рафиқасин синамоқ учун
Атай оғриб қолди Афанди.
Құлтиғига қалампир суртгач,
Градусник чаппа айланди.

Ёлғондакам ётди алаҳлаб,
Жавраб қүяр, құлтиғи исиб.
Таниш табиб уйга кирганда
«Бемор» қўйди чап кўзин қисиб.

Табиб айтар: – Аҳволи тангроқ...
Насриддинбой қилар васият:
– Куним битиб қолди, шекилли,
Рози бўлгин мендан, Хосият.

Сенга сабру бардош тилайман,
Озиқ-овқат етарли қишига.
Ҳали ёшсан, йилимни кутмай.
Матқовулга чиққин турмушга.

– Вой, нима деяпсиз, дадаси?..
– Ўтинаман сендан жуда ҳам.
– Мен бир ожизаман, нима ҳам дердим,
Ҳар ҳолда, ёмонмас Матқовул акам...

1991 йил

УСТОЗНИНГ ЎЗИ КЕЛАР

Ёзувчилар уюшмаси –
Адибларнинг паккаси.
Бу ер – ижод аҳлининг
Мадинаси, Маккаси.

Шу манзилда нишонланар
Қутлуғ кунлар, саналар.
Кутилмаган ҳангомалар
Шу гўшадан тарапар.

Ўртакашлар топган, чоғи,
Собиқ раҳбар кўнглини.
Масъул котиб қилди улар
Бир олимнинг ўғлини.

Исми улуғ бўлса-да,
Бироз думбулроқ экан.
Адабиёт оламидан
Анчайин йироқ экан.

Ҳа, икки минг ўнинчида,
Наврўз пайти март эди,
Шу сабабдан уч-тўрт тадбир
Ўтказмоқлик шарт эди.

Миртемирнинг юз йиллиги
Энг муборак кун эди.
Мехмонларга жой етишмас,
Мухлислар мамнун эди.

Масъул котиб шу паллада
Жадал келиб қошимга,

Сүраб қолди: – Юбиярни
Ким обкелар мошинда?

Товонимни тешса ҳамки
Масъул котиб сўзлари,
Дедим: – Устоз жуда бардам,
Келадилар ўзлари.

2010 йил

ҚУТЛОВ

Холис тақризни үйлаб,
Хаёлари бўлинган.
Фарғонада турса хам
Бурни Шошдан кўринган,
Олим Йўлдош Солижон.

Етти ўлчаб, бир кесган,
Кузатувчан, тинчимас,
Оғир-босик, фикрчан,
Анов-манов синчимас,
Устоз Йўлдош Солижон.

Хозиржавоб, сўзамол,
Барчани тенг, Сизлаган,
“Дайди қизнинг дафтарин”,
Жуда боплаб тузлаган,
Мерган Йўлдош Солижон.

Дўстга содик, исми хам,
Жисмига мос, муносиб,
Кам- кўстингни асослаб,
Елкангга қўяр осиб,
Топқир Йўлдош Солижон.

Сочи оппок қордайин,
Юраги баҳордайин,
Мунаққидлар сафида
Ўз ўрни бор нордайин
Устоз Йўлдош Солижон.

Ибройим ЮСУПОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири

ҚИРГИЗ «ГАИ» ЭРКИН ВОХИДОВГА «ЧЕСТЬ» БЕРАДИ...

Тошкентдан қардош дүстлар сафар тортиб,
Мұмтоз шеър, құшиқлар юқин ортиб,
Олатоғни оралаб күч келади,
Қирғиз «ГАИ» Эркинга «честь» беради...

...Үз «Волга»син үзи миниб бизнинг Эркин
Йүл олди Иссиккүлни күзлаб бир кун.
Завқланиб осмонұпар чүққилардан,
Нияти – мадҳ этмоқчи яйлов күркін.

Тоғнинг тоза ҳавосин ютиб борди,
Бишкекда ошналари кутиб олди.
Тонг пайти Балиқчига етганида
Шоирни қирғиз «ГАИ» тутиб олди.

Эркин айттар: – Кечириңг, оқинман, – дер,
Қирғизларга қариндош, яқинман, – дер.
«ГАИ» айттар: – Буздинг йўлнинг қоидасин,
Оғайни, озмадингми ақлдан? – дер.

– Ҳаваскор шофёрман-да, ўқир эдим,
Хўп десангиз бир ашъор тўқир эдим.
«ГАИ» айттар: – Йўл устида, хизматчилик,
Ё айбингни кўрмаган – сўқирмидим.

Ўзгаларга ўқиб бер ўланингни,
Тан олмайман мирзангни, «барон»ингни.

Ҳатто Чингиз Айтматов бўлсанг ҳамки,
Гап ошиқча, тешаман «талон»ингни.

Эркин айтар: – Борми сал ақлларинг?
Инсоф бергур, намунча қақилладинг.
Қирғиз-ўзбек, қайчи-қуда, қондош элмиз,
Қадрлайди бир-бировин оқинлари.

«ГАИ» айтар: – Довул турса, булат бўлмас,
Йўлдаги ҳодисалар унут бўлмас.
Биз учун қонун битта – «пиравила»
«ГАИ»ларда ҳеч қачон улут² бўлмас.

Ўжар «ГАИ» роторни ечиб олди,
Воҳидовдай шоир ҳам яёв қолди.
Мехмоннинг «талон»ига қирғиз йигит
Чумчуқнинг кўзидаин дастхат солди.

Олатоғни оралаб кўч келади,
Кўч ортганлар «ГАИ»дан сесканади.
Ўша таниш «погон»лик бугун эса
Зимдан кулиб Эркинга «честь» беради.

– Ҳорманг, йўлнинг соқчилари – арконлари,
«Талон» тешар, серзардали саркорлари.
Бугун мени танимасдан «честь» берасиз,
Ўтган гал теккан эди «даркорларинг...»

«ГАИ» айтар: – Сизни таниб тўхтаб қолдик,
Қўлимизни қовуштириб, йўқлаб қолдик.
Ўзбек халқин сиздай улкан шоирини
Ўша сафар фалокатдан сақлаб қолдик.

² Улут бўлмас – ГАИ ходимининг миллати бўлмайди.

Хуш келибсиз, азиз меҳмон, довон ошиб,
Ўз оғамдай сизга пешвоз чиқдим шошиб.
Чунки қирғиз элиниңг юрагига
Қайси йўлдан бормангиз, бари очик.

Шоир халқин эл ардоқлаб эскаради³,
Олатоғдан шеър ортилган кўч келади.
Оқин дўстлар, яқин дўстлар, йўллар очик,
Қирғиз «ГАИ» Эркинга «честь» беради.

1980 йил

³ Эскаради – хотирлайди, эслаб юради.

ҮЛИМЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА...

Қадим «Бойсун жунглисидан
Канди ўрмонигача»,
Калькуттадан то Номонгон,
Қибрай – Дўрмонигача...
Бўлиб ўтган ҳангомалар
Бир китобга жамланиб,
Соз бўлибди, ўқиб чиқдик
Кўзларимиз намланиб.
Рудолф Распе ёлғонларнинг
Оламшумул устаси.
Бўлса керак «Мюнхаузен»нинг
Сизда асил нусхаси.
«Гулливер»ни... хўп дўндириган.
Жонатанбек тоғамиз.
Биз хўрозга мояк қўйиб,
Буқаларни соғамиз...
Ғайрат-мардлик кўпиргач
Эр йигитнинг қонида.
Сиз-чи, ибрат бўлдингиз
Шум «Ажал ўпқони»да.
Янгишмасам, Ойна тоғдан
Космонавтдай учганда,
Палахмоннинг тошидайин
Арча узра тушганда
Зийрак итнинг фазилатин,
Чамамда, сал оширгансиз
Ва «Комиссар Рекс»ни ҳам
Бир тепиб қочиргансиз.
Саноғи йўқ бунга ўхшаш

Тадбирни, иқтидорни.
Адиб Шукур Холмирзаев
Бу гапдан хабардорми?
Раж Капурни эслатасиз
Шляпада баъзан сиз.
Африка ҳам зерикарли,
Кинодаги Тарзансиз.
«Оқ танли»лар уни ушлаб,
Солган чоғда қафасга
Сиздай абжир бўлолмаган,
Вақт бўлса ҳам запасда.
Тарзан ҳаёт бўлганида,
Бол томиб танглайидан,
Дўстимизни тавоф қилиб,
Ўпарди манглайидан.
...Туёқларин керганича
Эшак-ку тоғда қолди.
Бу орада ажал – ўлим
Ер чизиб, доғда қолди.
Иbn Хаттоб, Волф Мессинглар
Неча бор кечган жондан.
Бироқ сиздай мўйлов силаб
Бутун чиқмас тегирмондан.
Асардаги жасоратнинг
Довруғидан – чангидан
Талай зукко китобхонлар
Эси оғиб, гангиган.
Хайриятки, Мелибоев
Кашф айлади янгидан.
От тепкисин от кўтарган,
«Инақа» деб юрманг койиб,
Ярим қирғиз муҳлисингиз
Турсунбой Адашбоев.

2005 йил

УЧ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР

Моҳир каркатурачи
Менинг учта укам бор.
Улар чизган асарлар
Бир-биридан мукаммал.
Маҳмуджон Эшонқулов
Бешариқдан пешқадам,
Камтарлик – комиллиқда
Анча илғор – беш қадам.
Маҳмуджоннинг орзуси
Бу оламга сиғмайди.
Ўзи кулиб турса ҳам,
Мўйқалами йиғлайди.
Тўғри гап, Маҳмуджонни
Жаҳонгашта деганлар.
Хуржун тўла чет элдан
Олиб келган медаллар.
Мусаввир Содиковни
Ҳусанбўри дейдилар.
Тенгдошлари ичидা
Жуда зўри дейдилар.
Ҳар бир мавзу чашмадай
Дил қатидан сизади.
Кореяда юрса ҳам,
Ўзбекларни чизади.
Ҳаётдаги кам-кўстни
Нозик илғар, ҳис қилас.
Айниқса, «Муштум» учун
Пухта-пишиқ иш қилас.
Рассомларнинг қудрати
Тасвиirlарда жўш урап.
Ижодига омихта
Ўз дарди ҳам қўшилар.

Шавкатбек Музаффарда
Эътиқод фалсафаси,
Покиза ҳис-түйғулар,
Қадим Кўкча даҳаси
Шарққа машъал Тошкентнинг
Таровати, нафаси.
Уч оғайни, уч ботир
Уч ёқдан келаётир.
Айби – каркатурачи,
Олманг ундан хавотир...

2010 йил

Шоира Ҳалима АҲМЕДОВАГа

ЛАТИФ СУҲБАТ

Асарлари юлдузлардай порлайди,
«Латиф сұхбат» даврасига чорлайди.
Тингловчилар саволидан ҳормайди,
Йүқламаса, эшик қоқиб бормайди,
Сўроқлари сизга бўлгай шамчироқ.
Қойиллатиб гўзал шеърлар яратиб,
Ҳалимадай событ бўлган яхшироқ.

Кўниб кетган қалам, қоғоз ҳарбига,
Муҳрланган мисралари қалбига,
Ҳамоҳангдир юрагининг зарбига.
Демак, уни бўлмас асло ўчириб,
Бўтакўзлар олса ҳамки кўчириб,
Ғийбатлардан холи, йироқ, кўнгли оқ,
Ҳалимадай комил бўлган яхшироқ.

2010 йил

ШОИР ТУРСУНАЛИ ҮРМОНОВНИНГ ЎГИТИ

Хўш-ш-ш-ш!

Шойим! Ёзганларинг дуруст-у, аммо
Бир нарса кўнглимга солар хавотир.
Масалан, роману қиссаларингда
Мантиқ ва фалсафа етишмаётир.
Мен сендан етти ёш каттаман, демак,
Жаҳон адабиётин ўқишинг керак.

Жайдари усулда ёзма, йиғиштири,
Космос асридамиз, ўзинг ўйлаб кўр.
Япон ҳикояси мумтоз, тенги йўқ,
Лотин Америкасин романлари зўр.
Умрин яшаб бўлди қасида, ода,
Ҳозир биласанми, мўдерн мода.

Ибрат олгин хитойлардан, Вьетнамдан,
Интиқ қилма илҳом деган санамни.
«Хокку», «танка» усулларин ишлатиб
Асар ёзиб, чиқар дарду аламни.
Иzlаниш, синовлар бир умр бўлган,
Шойим! Айтматовдан, Маркесдан ўрган.

Ижод кўнгил рамзи, дилнинг розидир,
Тасаввурни қайта қурсанг чинакам,
Ғарбу Шарқнинг адиллари ўшанда
Ёқаларин ушлаб қолади, укам.
Ҳозирча кеч эмас, ўқигин, Шойим!
Қани, сомсадан ол, совиди чойинг...

2010 йил

КҮП ЯШАДИМ, КҮПНИ КҮРДИМ (Америка фольклоридан)

Душанба кун бироз ичиб,
Кайфиятим чоғланиб,
Уйга келсам, бегона от
Турап эди боғланиб.
Ифлос уст-бош, ботинка,
Фироқ қилдим хотинга:
- Менинг отим ўрнига
Қайдан келган бу йўрға?
- Дамингни ол, оёқда
Турибсан, жоним, зўрға.
Пича кайфинг ошибди,
Қулоқ солгин сўзимга.
Онам берган соғин сигир
От кўринган кўзингга.
- Кўп яшадим, кўпни кўрдим,
Ўзни доно деганман.
Наҳотки, мол эгарланса,
Шуни билмас эканман.
Сешанбада уйга қайтсам,
Бошим қашқа, шилинган.
Телпагимнинг ўрнига
Бошқа телпак илинган.
Миниб жаҳл отимга,
Мен ўшқирдим хотинга,
- Бироз ётиб, ҳордик олиб
Келгин сал-пал ўзингга.
Онам тўқиб берган қалпоқ
Кўринибти кўзингга.
- Кўп яшадим, кўпни кўрдим,
Ўзни доно деганман.
Андратрадан қалпоқ тўқиши,

Шуни билмас эканман.
Чоршанба ҳам кайф тароқ,
Сүлжайиб уйга қайтсам,
Менинг шимим ўрнида,
Бошқа шим, ростин айтсам.
Миниб жаҳл отимга,
Зуғум қилдим хотинга.
– Жоним, ётиб, дам олиб
Келгин бироз ўзингга.
Онам тикиб берган лозим
Шим кўринган кўзингга.
– Кўп яшадим, кўпни кўрдим,
Ўзни доно деганман.
Тугмаси бор лозимни
Ҳеч кўрмаган эканман...
Эртаси ҳам сархуш эдим,
Пайшанбайди, санасам.
Менинг бошим ўрнида
Бир бosh ётар, қарасам.
Миниб жаҳл отимга,
Мен ўшқирдим хотинга.
– Жоним, ётиб, дам олиб
Келгин пича ўзингга.
Онам берган ошқовоқ
Бош кўринган кўзингга.
– Кўп яшадим, кўпни кўрдим,
Ўзни доно деганман,
Мўйлови бор ошқовоқни
Ҳеч кўрмаган эканман.

1970 йил

НАРВОН ҲАНГОМАСИ

Қудрат Ҳикмат уй қурди,
Дўст-ёронлар қўллашиб,
Ҳашар қилиб қўшнилар,
«Қани, бўлҳа-бўллашиб».
Бу участка дегани
Пулни хўппа ютаркан.
Яхшиямки, кўп қисмин
Устоз Ойбек қўтарган.
Гоҳо оғриб буйраги
Қалбин ўяр, пармалар.
Бир тарафда Қўшчонов
«Қудратвой» деб – «хорма»лар
Ва, ниҳоят, уй битиб,
Ҳовли тўйин ўтказди.
Ўзи суйган ғалвирак,
Бодомлардан ўтқазди.
Сотиволди Йўлдошев
Совға қилди бир нарвон.
Қудрат Ҳикмат боладай
Қувнаб кетди беармон.
Бу буюм ҳам ҳаётда
Ўз бурчини ўтайди.
Томлар курсанг, аскотар,
Боғбон дараҳт бутайди.
Шоир калта иштончан
Томга суяб шотини,
Тепадан пастга қараб
Бўяр «ёғоч отини».
Қия ўраб рўмолин
Чойга уннар хотини,
Томоқ қириб ён қўшни
Кириб келар ботиниб.

- Ҳорманг, ҳорманг, Қудратвой!
- Бор бўлинг, - дейди шоир.
Қўшни берар маслаҳат
Нарвон бўяшга доир:
- Биз томонда нарвонни
Ерга аста йўлайди.
Кейин уни бир четдан,
Ошиқмасдан бўяди.
Икков роса кулишди,
- Узр, Улуғ, қаранг-а!..
Мен ҳам бергум маслаҳат
Бу ҳақда ёш-ялангга...

1970 йил

ХУРРАК ВА БОЗОР ИҚТИСОДИ

Қодиржоннинг тўйида,
Собиржоннинг уйида
Ҳордиқ олиш кўйида
Дўстлар билан ётдим ман,
Ўй–санога ботдим ман.

Сизга айтсам, аввало,
Хуррак деган бир бало
Ҳамхонамга мубтало,
Бошни қашлаб ётдим ман,
Ўй–санога ботдим ман.

Оҳанглари ғаройиб,
Қўшкарнай, бўлмас койиб,
Лол имлар Мелибоев,
Янтоқ узра ётдим ман,
Ўй–санога ботдим ман.

Ёзганим йўқ жўрттага,
Тушиб қолдим ўртага,
Бошни буркаб кўрпага
Тонгни кутиб ётдим ман,
Ўй–санога ботдим ман.

Отган эдик қиттайин,
Бу ёғи сизга тайин,
Игна ютган итдайин
Иложим йўқ, ётдим ман,
Ўй–санога ботдим ман.

Карнай авжда тобида,
Хуррак отиш бобида

Мұхаммаджон дүстимга
Құймоқ керак обида,
Шу хаёлда ётдим ман,
Үй-санога ботдим ман.

Хурракнинг зарбин қаранг,
Құшни уйда сержаранг,
Одил Ёқубов гаранг,
Изтиробда ётдим ман,
Үй-санога ботдим ман.

Тижоратнинг күйида,
Савоб олиш үйида,
Агар бўлса харидор,
Минг сўм қирғиз пулига
Шу хурракни сотдим ман,
Сотдим мано, сотдим ман.

2000 йил

ФИКР ҚИЛДИК....

Нашриётга бир жуфт китоб
Келган эди намунаға.
Бири Анвар Обиджонга,
Иккинчиси каминага.
Андижонлик муаллифдан
Бизга совға этилганди.
«Үқиб чиқинг, фикр қилинг!!!
Ф.Усмон» деб битилганди.
Инсоғ берсин қаламкашга,
Лекин дастхат тегди ғашга.
Үқиб чиқдик, ёзганлари
Арзимади фикрлашга...

1990 йил

ХЎРОЗ БИЛАН ТУЛКИ (Обиджон Зоҳидовнинг латифаси)

Қорни очиб тонг палласи
Тулки қишлоқ оралади.
Четан девор ортидаги
Холи уйни қоралади.
Макиёнлар титрар қалт-қалт,
Етиб келди айёр дайдиб.
Хўрозполвон сир бой бермай
Тулкивойни сўроқлади.
– Ҳой қаёққа, дўстим, шошма!
– Бугун бомдод намозини
Ўқисак, – деб келдим ошна.
– Жуда яхши, ҳув бурчакда
Имом домла кутар ташна.
Тулки қочди. Хўroz бирдан:
– Ҳой, қайга? – деб тегар ғашга.
– Имоминг шу кўппак бўлса,
Таҳоратни янгилашга...

1980 йил

СҮНГИ СҮЗ

Пародия битилмас эрмак учун,
Ўтган-кетган гапларни термак учун.
Енгил-елпи шеър ёзган айримларга
Ҳазил билан маслаҳат бермак учун.

Дўстим, қутлуғ қаломдир сўзинг ахир,
Қалбингдаги ниятиңг – ўзинг ахир,
Китобхонга илиниб тўқиганиңг
Атласинг, бекасаминг, бўзинг ахир.

«Така» билан «Серка»нинг фарқин билмай,
Оддий сўзнинг маъносин талқин қилмай,
Қумдан қаср қурилмас, оғайнилар,
Сопол билан гавҳарнинг нархин билмай.

Танқидчининг эгнида поча-пўстин,
Айтармиди асарнинг ками-кўстин.
Адабиёт олами – холис майдон,
Баҳони китобхонлар берар, дўстим.

Ишонмагин савлатингга, борингга,
Бино қўйгин фақат иқтидорингга.
Дуч келганда тумшаймагин, биродар,
Тўғрисўзман, омад касби-корингга!

Сўзларни қадрлагин, ҳар бирин ўп,
Мисраларни сайқалла, тараашла хўп.
Қани, бир пародия ёзиб кўр-чи,
Менинг ҳам хом-хатала ишларим кўп.

2016 йил

ПАРОДИЯЛАР УСТАСИГА ЭЪТИРОФ

Истеъдодли шоир Турсунбой Адашбоев ўтган асрнинг 70-йилларида ўtkир пародиячи сифатида ҳам танилган эди. Ўш шаҳрида яшаса-да, асарлари Ўзбекистон матбуотида тез-тез босилиб турарди. Ҳатто таниқли шоирлар ҳам унинг ҳажвига дучор бўлишдан чўчирдилар. Бир воқеа сабаб эндиғина адабиётга кириб келаётган камина ҳам у кишининг «эътиборлари»га сазовор бўлдик.

Мени 1967 иили Миллий университетдан Ашхобод шаҳрига талабалар илмий конференциясига юборишиди. Мезбонлар бизга атрофдаги гўзал манзарали жойларни, тоғдаги ажойиб Феруза оромгоҳини кўрсатишиди. Ўша таассуротлар асосида бир неча шеърлар ёзиб келган эдим. Бу шеърларимдан биттаси «Копетдоғда бир оҳу кўрдим...» сарлавҳаси билан «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида эълон қилинди. Тасодифни қарангки, ўша саҳифада раҳматли Шамси Одилнинг ҳам «Оҳу кўрдим мен Водилда» деб бошланадиган шеъри босилган экан. Бу, албатта, тайёр пародиябоп мавзу эди. Орадан кўп ўтмай «Шарқ ўлдузи» журналида Турсунбой Адашбоевнинг қуидаги пародияси эълон қилинди:

*Ўша оҳу Ўшга келиб,
Тушга қадар юрди боғда.
У Водилга ўтмай туриб
Бўлган экан Конетдоғда.*

*Сўнг Помирга қараб кетди,
Шеър ёзолмай қолдик доғда.
Ҳозир ўтлаб юрса керак
Термиз ёки Яккабоғда...*

Носир МУҲАММАД

МУНДАРИЖА

Атиргул. Тоҳир Малик.....	3
---------------------------	---

ПАРОДИЯЛАР

Гўзалликка ишора	9
Отабекнинг изидан	10
«Мен ойни ошайман...»	12
Наҳотки	14
Қисқаси, палон-пистон	15
«Ов» келмади бароридан	16
Орзулар қанотида	17
Эътиrozга эътиroz	18
Бурним чашма бўлса.....	19
Дорбозга лангарчўп.....	20
Бир қўшиқ..	21
Бечора Крилов.....	22
Мухлис борким.....	23
«Қайлиққинам»	24
Ажабланманг.....	26
Устоз бошин чайқади.....	27
Устоз Айний бўлганда.....	28
Хуфёна жанг.....	30
Гўзал, қаламқошларга	32
Ёлғон айтсам.....	34
Иложи йўқ	35
Ҳавас қилайлик	36
Тушнинг таъбири.....	37
Нима қолди?	38

ГАМБИТ ПАРОДИЯЛАР

Бегона дўппи.....	41
Ёмғир, ажириқ ва сумалак.....	42
Мұхаббат ва фурур.....	44
Топган топалоқ.....	46
Тарсаки	47
Ҳаттоказ	48
Така зоти	49

Кунгабоқарлар.....	50
Анқайганга танқайиб	52
Доно бўлиб бораётирман	54
Оқ теракнинг қисмати	55
Пашшалар белга тепди.....	56
Ит ва мұхаббат	58
Юрагини қовурган йигитга.....	72
Сўзнинг қадри	73
Йифлоқи ошиқ, бевафо маъшуқа	74
Сочингга боғланиб.....	75
Асалчи ҳам ўтади.....	76
Зойир дўхтирнинг тўрткўзи	78
Ғозларнинг рашки келиб.....	80
Агар севсанг.....	82

ҲАЗИЛ ШЕЪРЛАР

Кутилмаган таклиф	85
Чирманда	86
Васият	87
Устознинг ўзи келар	88
Кутлов.....	90
Қирғиз «ГАИ» Эркин Воҳидовга «честь» беради.....	91
Ўлимларни қолдириб доғда.. ..	94
Уч оғайни ботирлар	96
Латиф суҳбат.....	98
Шоир Турсунали Ўрмоновнинг ўгити	99
Кўп яшадим, кўпни кўрдим	100
Нарвон ҳангомаси	102
Хуррак ва бозор иқтисоди	104
Фикр қилдик.....	106
Хўроз билан тулки	107
Сўнгги сўз	108
Пародиялар устасига эътироф. Носир Муҳаммад.....	109

860 0 с

Адабиий-бадиий нашр

ТУРСУНБОЙ АДАШБОЕВ

ХУФЁНА ЖАНГ

*Пародиялар
Гамбит пародиялар
Ҳазил шеърлар*

Мұхаррір: Абдулла ШАРОПОВ
Бадиий мұхаррір: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник мұхаррір: Алимардон АҚИЛОВ
Сақиғаловчы: Иномжон ЎСАРОВ
Мусаҳҳих: Отабек БОҚИЕВ

*Рассом Ҳусанбой Содиқов
чизган расмлардан фойдаланилди.*

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 11.01.2016 й.

Босиша рухсат этилди: 02.03.2016 й.

Офсет қофози. Қоғоз бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$.

Cambria гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашириёт т.: 1,09. Шартли б.т.: 5,88.

Адади: 1500 нұсха.

Буюртма № 143.

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.

100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^н-мавзе 42-үй.

Тел.: (+99871) 217-16-77

e-mail: info@akademnashr.uz

web: www.akademnashr.uz

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп этилди.

100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳкӯчаси 44-үй.